

## Фарзандингизга чиройли исм қўйинг! (биринчи мақола)



18:08 / 03.11.2019 2562

Боланинг ота-онадаги ҳақларидан, ота-онанинг фарзанд олдидаги вазифаларидан бири оиланинг янги аъзосига маънодор, чиройли исм қўйишдир. Бу ишнинг аҳамиятини англаб етишимиз учун биргина иқтибос келтиришга ижозат бергайсиз.

Ҳусайн ибн Ҳасан Марвазий «Китобул бирри вас-сила»да Абул Мўътамирдан келтирган ривоятда ёзади:

«Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурида масалаларни музокара қилишди. Шунда, бир киши айтди:

«Менга етиб келган хабарга кўра, туғилган болага исм қўймай туриб, ўлган бўлса, Қиёмат куни отасига: «Мени исмсиз тарк қилдинг-ку!» – дейди».

Шунинг учун ҳам ҳар бир мусулмон ота-она бу муҳим ишга алоҳида эътибор ила ёндашмоғи лозимдир. Ўзи билмаса, биладиганлардан сўраб, ўрганиб, ўғил бўлсин, қиз бўлсин, боласига гўзал исм қўйиши керак. Қўйган исмида орзу-умид, яхши ният, гўзаллик, хайр-барака ўз ифодасини топсин. Фарзанд катта бўлиб, оқ-қорани таниганда ўз исмидан уяладиган

бўлмасин. Балки исми унга зийнат бўлиб турсин.

Ислонда ҳар бир нарсанинг гўзал бўлишига алоҳида аҳамият берилади. Бунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадиси шарифлари асос бўлади:

???? ????? ????????????? ??????? ?????? ???????  
????? ?????????? ?????? ??? ?????? ?????? ?????: ????? ??????  
????????? ?????????? ??????????????. ?????????? ??????????  
?????????????? .

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Албатта, Аллоҳ гўзалдир. Гўзалликни севадир».

Аҳмад ва Муслим ривоят қилганлар.

Бинобарин, мусулмон инсон барча нарсада гўзалликни кўзлаши керак. Жумладан, болаларга исм қўйишда ҳам.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам болаларга исм қўйишга алоҳида эътибор берганлар. Бу ўта муҳим ишнинг Қиёмат кунига ҳам боғлиқ жойи борлигини ҳам айтганлар.

???? ?????? ????????????????? ????????? ??????? ???????  
??????: ?????? ?????????? ??????? ??? ?????? ?????? ??????:

????????? ?????????? ?????? ??????????????

????????????????? ?????????????? ??????????????

????????????????? ??????????????????. ????????? ??????

????????? ?????????? ?????????? ??????????????????????

?????????????????????.

Абу Дардо розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:


«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Албатта, Қиёмат куни ўз исмларингиз ва оталарингизнинг исми ила чақирилурсиз. Бас, исмларингизни гўзал қилинг».

Абу Довуд, Ибн Ҳиббон, Тобароний ва Байҳақий ривоят қилганлар.

Исмнинг чиройли бўлиши Қиёмат куни ҳам керак бўлар экан. Чунки барча халойиқ йиғилган жойда бировнинг исми айтиб чақирилганда исми гўзал бўлса, хурсанд бўлиши, аксинча бўлса, хижолат бўлиши табиий. Бу ҳолат ушбу ёруғ дунёда ҳам бор. Исми ноқулайлигидан хижолат бўлиб юрадиганлар оз эмас, исмини ўзгартирганлар ҳам кўп. Аммо, ўша нарса аввал бошда, бола янги туғилган пайтда бир йўла яхшилаб йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Унинг мусулмон фарзанди эканини дунёю охирадда исми ҳам намоён қилиб туради.

Кўпчилик саҳобалар ўзларининг янги туғилган фарзандларини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб борар эдилар. У зот алайҳиссалом ёш болаларни кўрсалар, хурсанд бўлиб кетар эдилар. Янги туғилган болаларга гўзал исмларни қўйиб берар эдилар.



Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилинади.

«Ўғил кўрдим. Уни Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордим. У зот уни Иброҳим деб номладилар, хурмо ила танглайини кўтардилар ва унга барака тилаб, дуо қилиб, менга тутқаздилар. У болаларимнинг каттаси эди».

Икки Шайх ривоят қилганлар.

Мана, Абу Мусо Ашъарий розияллоху анху ҳам ўз ҳаётларида ёрқин из қолдирган бу ҳодисани шавқу завқ ила ҳикоя қилиб бермоқдалар:

«Ўғил кўрдим. Уни Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб бордим».

Ана шу ишга тақлид қилиб, янги туғилган фарзандни аҳли солиҳ кишилар ҳузурига олиб бориш мусулмонлар ичида доимий одатга айланган.

«У зот уни Иброҳим деб номладилар».

Демак, аҳли фазл, олим ва пешво кишилар томонидан янги туғилган фарзандларга исм танланиши ҳам яхши иш. Чунки ундай кишилар бунга ўхшаш ишларга боғлиқ масалаларни, шаръий ҳукмларни яхши биладилар ва тўғри иш кўрадилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг Абу Мусо розияллоху анхунинг ўғилларига Иброҳим исмини қўйганлари ҳам

бунинг бир мисолидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам боласига нотўғри исм қўйган отага танбеҳ бериб, ундай исмни ўзгартирганлари ва яхши исмларни қўйиб берган ҳолатлари ҳам бор.

???? ?????????? ????? ?????? ??????????: ????? ??????????

????? ?????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ??????????: ???

????????????? ??????: ?????? ?????????????? ????????????????

????????????????????? ??????????: ??? ?????????? ??????????

????????????????? ?????????????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????:

?????? ?????????? ?????????????????????? ?????????? ???????????

????????????? ?????????????????????? ?????????? ?????? ??????????????????????

????????? ?????????????????? ??? ?????????? ?????????? ??????????????..

????????? ??????????????????????????..

Сабра ибн Абу Сабрадан ривоят қилинади:

«Унинг отаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борганда:

«Болаларинг кимлар?», – дедилар.

«Абдул Уззо, Сабрата ва Ҳорис», – деди.

«Абдул Уззо деб исм қўйма», – дедилар ва уни Абдуллоҳ деб номладилар. Сўнгра:

Албатта, исмларнинг яхшиси Абдуллоҳдир, Абдурроҳмандир», – дедилар ўамда уни ва боласини дуо қилдилар. Бас, бугунгача шараф улар биландир».

Тобароний ривоят қилган.

Набий алайҳиссалом яхши исмлардан хушхабар кутганлар ва ёмон исмлардан шумланганлар.

???? ?????? ????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????

????? ?????? ?????? r ??????: ????????????? ??????????:

???? ?????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????

???? ?????????? ?????? ??? ?????? ?????? ??????: ???

????????? ?????????? ?????? ??????????????: ?????????? ??????????

????? ?????????? ?????? ??? ?????? ?????? ??????: ??????????

?????? ??????: ?????? ?????????? ?????????? ??????????

????????? ?????????? ?????? ?????????? ??????? ??? ?????? ??????

?????: ??? ?????????? ??????????: ?????????? ?????????? ??????

????????? ??????: ?????????? ??????? ??????: ?????? ??????????

????????? ?????????? ?????????? ?????????? ?????? ??????????

????? ??? ????? ????? ?????: ??? ?????????? ??????????:

?????????. ?????????? ????? ?????????? ?????? r: ??????????.

????????? ??????????.

Яҳя ибн Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам соғиладиган туяни кўрсатиб:

«Ким буни соғади?» – дедилар.

Бир киши турди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Исминг нима?» – дедилар.

«Мурра» (Аччиқ), – деди у.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Ўтир!» – дедилар. Сўнгра яна:

«Ким буни соғади?» – дедилар.

Бир киши турди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Исминг нима?» – дедилар.

«Ҳарб» (Уруш), – деди у.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Ўтир!» – дедилар. Сўнгра яна:

«Ким буни соғади?» – дедилар.

Бир киши турди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Исминг нима?» – дедилар.

«Яъийш» (Яшар), – деди у.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Соғ!» – дедилар».

Молик ривоят қилган.

Ушбу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туяни соғишга ноқулай исми кишиларни раво кўрмадилар, уларнинг исмларидан шумландилар. Учинчи саҳобийнинг исмларидан яхшилик, хушхабар умид қилиб туя соғишга ўша инсонни раво кўрдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жоҳилият одатига биноан қўйилган ноқулай исмларни ўзгартириб қўйганлари маълум ва машҳур.

*(Давоми бор)*

**«Бахтиёр оила» китобидан**